

Халқаро санъат фестивали – 99

Тошкентдаги Темир йўлчилар маданият саройида Ўзбекистон – Грузия ҳамда «Фестиваль» интер клублари ташкил этган санъат фестивали бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар иштирок этишди.

Мақсад ёшларнинг дунё мусиқа маданиятини, илмий-ижодий ютуқларини, санъат, маданият соҳаларида қанчалик билимга эга эканликларини синовдан ўтказиш эди. Энг асосийси, мамлакатлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини ривожлантириш, янги босқичларга олиб чиқиш каби долзарб масалаларда фестивалнинг аҳамияти янада яққолроқ кўринади.

Флора ФАХРИДДИНОВА

Экология маданияти ўн кунлиги

Шу кунларда «Экосан» халқаро жамғармаси ташаббуси билан республика бўйлаб экология маданияти ўн кунлиги давом этмоқда.

Маълумки, бугунги кунда атроф-муҳитнинг ифлосланиши, экологик муаммолар бутун дунё халқлари ҳаётига жиддий хавф солмоқда. Ўтказилаётган ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ҳам республикамизнинг экологик аҳволини яхшилашга қаратилгандир.

Яна бир қувончли хабар, Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида йил давомида 6 минг нафар бола саломатлигини тиклашга мўлжалланган «Орол болалари» халқаро ўқув соғломлаштириш маркази ташкил этилди.

«Орол болалари» марказига экосанчилар қарийб уч миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами юклатилган автопоезд жўнатдилар. Хайрия автопоездида жўнатилган кроватлар, телевизор, магнитафон, тикув ва ёзув машиналари, столлар, ошхона жиҳозлари, озиқ-овқат, кийим-кечак, спорт анжомлари, сув таркибини тозаловчи мосламалар келажагимиз бўлмиш болалар сиҳат-саломатлигини тиклашга хизмат қилади.

Ширин РАҲИМБЕРДИЕВА

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 8 июнь, сешанба • № 67 (24.462).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Юртимизнинг келажаги ёшлар қўлида

Таълим ислоҳоти йўлида

Кишининг маънавий дунёси бойишида билимнинг аҳамияти катта. Тарихий манбаларда ёзилишича, туркий халқлар яшаган ўлкада 15 асргача ва ундан кейин ҳам шундай анъана ҳукм сурган экан: илм йўлига чоғланган ҳар кас – ёшми, кексами «ўсмир» деб аталган. Чунки илм жуда оғир йўл саналиб, унинг поёнига етиш мушкул. Фақат маълум бир даражага етиб боргунча толиблар ана шу ном соҳиби бўлишган. Айниқса, ёш, балоғатга етмаганлар илмга чоғлансалар тўкис элнинг назарида, ҳурмат-эътиборида бўлган.

Бугун юртимиздаги таълим ислоҳотларини кузатаркансиз, амалдаги меъёрий ҳужжатлар, охирини топаётган тадбирларнинг нечоғли кўламли эканлигидан кўнглингиз тўлади. Инчунин, юртбошимиз томонидан ёшларга, уларнинг илм олишига кўрсатилаётган ғамхўрлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ёшларнинг хорижга чиқиб, билим олиш ва тажрибаларини ошириб келиш имкониятлари туғилди. Республика «Умид» жамғармасининг ташкил этилиши бундай саъй-ҳаракатларга кенг йўл очди. Жамғарма йўлланмаси билан чет эл олийгоҳларида таълим олаётган ёшларимиз ҳам талайгина. Президентимиз Америка Қўшма Штатларига ташрифи чоғида ана шундай талаба ёшлар билан учрашди ва Ўзбекистон келажаги учун билимли, ҳар томонлама камол топган авлод ҳар жабҳада зарур эканлигини уқтириб ўтдилар. Шу билан бирга юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда, ижтимоий-сиёсий янгиланишларда ёшларнинг иштироки салмоқли эканлигини ҳам таъкидладилар. Яқинда Тошкент молия институтида АҚШда молия ва банк тизими бўйича ўқиётган ва ҳозир таътил даврида ватанимизга қайтиб келган талабалар билан учрашув бўлиб ўтди.

АҚШнинг турли университетларида таълим олаётган 10 дан ошиқ талабалар институт фаоллар залида ҳозир бўлишди.

– Мен Пенсильвания университетининг молияни бошқариш йўналиши талабасиман, – дейди учрашув қатнашчиси Хуршид Зайнутдинов. – У ердаги дарслар бизни қониқтиради. Молия, банк ва умуман иқтисодиёт соҳасидаги билим ва тажрибаларни ўрганиб, уларни ўзимизда татбиқ этиш, юртимизнинг келажаги, фаровон турмуш тарзини таъминлашдаги саъй-ҳаракатларда иштирок этиш – бизнинг бош мақсадимиз. Юртбошимиз Америка сафарида бўлганларида у ердаги элчихонамиз корпусида бир гуруҳ талабаларни қабул қилган эди. Бу учрашув биз учун бир умр ёдда қоладиган воқеа бўлди. Президентимизнинг билим оғушида юрган ёшларга бундай катта эътибори, ғамхўрлиги ва юксак ишонч билан қараши бизни янада тўлқинлантириб юборди. Биз ўз кучимизни озод Ватанимизнинг равнақи, истиқлолимизни мустаҳкамлаш ва юртбошимиз бошлаган тадбирларда фаол иштирок этишдан аямаймиз.

– Бозор иқтисодиётининг ривожланиб бориши молия, банк хизматининг ролини ҳам ошириб боради, – суҳбатга қўшилади Вендербил университети тижорат банки мутахассислиги магистрати Ҳасан Турсунхўжаев. – Бунинг учун ислоҳотларга тез мослашувчан, замонавий хизмат турларига эга бўлган тижорат банклари фаоллигини оширишга эришиш лозим.

Учрашув қатнашчилари йиғилганларга АҚШ университетларида талабаларнинг мустақил билим олиш жараёни қандай ташкил этилгани, талабалар билимини баҳолаш усуллари ва университетларда «ИНТЕРНЕТ» тизимидан қандай фойдаланишлари тўғрисида сўзлаб бердилар.

Талабаларнинг фикр-мулоҳазалари ва савол-жавобларига бой бўлган анжуман мароқли ўтди. Айниқса, уларнинг юртимиз келажаги, тараққиёти ҳақида, ўзларининг билим, куч ва қобилиятларини шу йўлда тўла ишга солишга ишонч билдираётганликлари йиғилганлар кўнглига илиқлик бахш этди. АҚШдан келган талабалар билан анжумандан кейин академик гуруҳларда талабалар ўртасида суҳбатлар уюштирилди. Улар институт кутубхонасидаги адабиётлар, ҳисоблаш маркази фаолияти ва талабалар учун яратилган шароитлар билан танишдилар.

Зокир ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент молия институти ректори муовини, профессор.

Мустақиллик манзаралари

Банкларо молиявий хизматлар маркази

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Янгиликка буюртма олишди

Ўзбекнинг қўлига бир нарса тушмасин. Дарров у ерини ўзгартиради, бу ерини янгилайди, қисқаси ўзига, аниқроғи, шароитга мослаб олади. «Қўқонмотортаъмирлаш» ҳиссадорлик жамиятидагилар ҳам шундай қилишди. Улар «Магнум» тракторлари учун махсус мослама ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Шу туфайли бу ҳайдов тракторларидан нафақат ерларни шудгорлашда, балки экин майдонларини текислаш, тупроқ ишларини бажаришда ҳам фойдаланиш имконияти яратилди. Янги маҳсулот синовдан муваффақиятли ўтди. Энди жамият мутахассислари деҳқонларнинг юзга яқин буюртмасини тайёрлаб беришадиган бўлишди.

Алим БЕК

Хуштаъм ичимлик кимга ёқмайди

Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари кундан-кунга ортиб бормоқда. Шунингдек, ичимлик сувларнинг-да тури кўп. Яқинда Косонсойда «Косонсой» санаторийси билан кўп тармоқли «Адҳам» хусусий фирмаси биргаликда «Кушон ЛТД» корхонаси ташкил этишди. Корхона аҳолига шафтоли, қулупнай, малина, олча, ананас ва банан таъмли ичимликлар, шунингдек, жигар ва ошқозон-ичак касалликлари учун мўлжалланган шифобахш минерал сув етказиб бера бошлади.

Ушбу ичимликлар нафақат Наманган вилоятида, балки бутун Фарғона водийси аҳолисига ёқиб қолди. Қолаверса, ичимликлар Қозоғистон, Қирғизистон ва Россияга ҳам жўнатила бошланди.

Умматали ТЎРАХОНОВ

Миллат ва маънавият

Элни ғурур ўйготар...

Ўзбек йигити Атлантика устидан самолётда учиб ўтаяпти. У уяли телефон алоқаси орқали ўғлига телефон қилди. Ўғлининг ҳаяжонли овози эшитилди:

— Дада беш бўлди... Америкадамисиз, ҳозир?

— Яша! Қайси фан...

— Ўқишдан беш... Мадҳиямизни айтиб бердим.

Ажойиб кунларнинг бирида ота-бола орасида шундай гап бўлиб ўтди. Америкага учаётган ота қувонди. Самолётдан бўлсада, ўқишини сўраб-суриштираётган дадасидан ўғил ҳам хурсанд бўлди.

Аслида бир қарашда шунчаки бир гап бўлиб туюлар бу... Лекин тараққиёт билан юзма-юз келган, миясини ишлатиб пул топиб жаҳон кезаётган ўзбек ўғлонининг, хонадонининг маънавият, авлод тарбияси, ўзлик олдидаги улуғ эҳтироми ҳамдир бу! Зиёли одам қанчалар бой, қўли узун бўлмасин, барибир илм-маърифатни бошга тож қилади.

Туш пайти. Қуюқ соя остидаги сўрида ўтирган чол набирани келишига илҳақ. Йўл қарайди. Ана, бўйи баробар папка осиб олган болакайнинг қораси кўринди. Набира етиб келиб, чолнинг қучоғига ташланди. Кейин...у бобосига дўмбирани олиб келиб берди. Куй... Чол «Алпомиш»дан айтаяпти... Болакай хаёлида дупур-дупур отлар учаяпти... Паҳлавонлар саф тортаяпти...

...Деҳқон ғўзага сув тараяпти. Ҳув, олисдаги чайлага қараб «Қаро кўзим»ни ҳиргойи қилади.

...Талаба навбатдаги имтиҳонга тайёргарлик кўряпти.

... Улкан қурилиш иншоотининг биринчи ғишти қўйилди.

... Буюк кашфиётнинг илдизи бўлган тенглама устида бош қотираётган олимни ҳаяжон босди. Ечим топилди.

Ҳа, тинч ва осуда осмонимиз остида, озод юртимизда, оқ тонгларида мустақил давлат мадҳияси янграйдиган мамлакатимизда кишилар ўз ҳаётини ана шундай яхшиликлар билан давом эттираяптилар.

Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз Ватан манфаати билан яхлит мазмунга эга.

Ватаннинг янада равнақ топиши, унинг эртаси учун бугун нима иш қилдим, деган одамнинг ботини мустаҳкамдир. У йўлдан адашмайди.

Ҳар тонг-радиода,телевизорда мадҳиямиз янграйди. Ҳар тонг шу гул юртга таъзим бажо айлаб,уни олқишлаб кунни қаршилаймиз.

Халқнинг қўшиғи — мадҳия. Миллатнинг қўшиғи — мадҳия. Ватан ҳақида барча- барчамизнинг дилимизни қуёшдай ёритган тафтли изҳор — мадҳия. Ва, ҳаммамизнинг ғуруримиз,шаънимиз ардоғидир бу!..

Бизнинг бир тонгимиз отди. Ишга шошаётган одамлар оқимига қўшиламиз... Йўл- йўлакай, замондошларимизни билан суҳбатга тортамиз:

Бозорда суҳбатлашган бир неча юртдошимизнинг бирортаси мадҳиямизни айтиб беролмади.

Юнусобод туманидаги 17 гимназиянинг 1-синф ўқувчилари ҳузуридаям бўлдик. Бир синф болакай ўрнидан даст туриб жўр овозда мадҳиямизни куйлайди. Тўлқинланиб кетасиз. Шу жужуқларни отам деб, онам деб эркалагингиз келади. Уларни истиқлол фарзандлари дейсиз.

Биз-чи? Биз катталар-чи? Биз бошқамизми? Бозорда учрашган — юртдошимиз-чи? Улар бошқа сайёрадан тушишганми?

Нима бу, бефарқликми? Ғурурни аланга олдириш учун баъзиларимизнинг юрагимизда чўғ бўлмагани ёмон.

Тўғри, бировнинг фикри, мияси, ботинига хўжайинлик қилиш қўлимиздан келмайди. Жарангдор, ўтли, соф сўзлар билан битилган, Ватан ва халқ шаъни мукаммал тарзда куйланган бу баланд қўшиқ аввало ҳар биримизнинг юрагимизда янграши керак.

Хуллас, бу ёзганларимиз, замондошларимизнинг «бирозгина» лоқайдлиги, кимнингдир ғурури «бир озгина» тоб ташлагани, лекин ортимизда кучли бир авлод, ботини бут, ғурури тоғ фарзандларимиз шиддат билан, тўлқинлар шижоатини намоён қилиб келаётганига ишорадир.

Баҳодир Собиров. 1-синфда ўқийди.

— Мадҳиямизни шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ёзган. Мутал Бурҳонов мусиқа басталаган.

— Ёддан биласизми?

— Эшитинг ... (Болакай чертиб-чертиб дона-дона қилиб, тутилмасдан айтади мадҳияни.)

Олой бозори бекати. Бўйинбоғ таққан, пўрим кийинган амаки гапни бошқа ёққа бурди. Охири, мадҳияни билмайман деди.

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Айбларига иқрор бўлмоқдалар

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 22 нафар шахсга нисбатан очиқ суд жараёни давом этмоқда. Бу шахслар шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда мамлакат Президенти ва давлатнинг бошқа раҳбарларини жисмоний йўқ қилиш, конституциявий тузумга қарши қўпорувчилик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланмоқдалар.

Судланувчи Дилшод Камолов бир неча бор мамлакатимиз ташқарисида бўлиб, жиноий гуруҳ етакчилари билан учрашган. Улардан бажарилиши лозим бўлган махфий топшириқлар олган. Дилшод Республика Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллабқувватлаш давлат қўмитасининг телефон рақамларини гуруҳ аъзоларига етказиб берган.

Каримжон Узоқов эса ички ишлар томонидан қидирувда бўлган жиноятчини кўрганлигини яшириб келган. Агар у ўз вақтида жиноятчи ҳақида хабар берганида тақдири бошқача кечиши мумкин эди.

Судланувчилардан Рустам Маматқулов, Фозилжон Асқаров ва Нурали Йўлдошевлар ҳам судда кўрсатма бердилар.

Юқорида номлари зикр этилган судланувчиларнинг барчаси ўз айбларига иқрор бўлдилар. Улар ўз қилмишларидан пушаймон эканликларини айтмоқдалар.

Суд жараёни давом этмоқда.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши

Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисида

Тошкент ислом университетининг фаолиятини такомиллаштириш, юртимиздаги ва хориждаги диний ташкилотлар, тадқиқот ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш, замонавий фикрловчи ҳамда диний илмга эга мутахассислар тайёрлаш, университет, Ислом тадқиқотлар маркази, академик лицей фаолияти сиёсатини шакллантиришда тавсиялар бериш мақсадида:

1. Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгаши тузилсин ва унинг таркиби иловадаги рўйхатга биноан тасдиқлансин.

Маслаҳат кенгаши раиси этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Мансуров тайинлансин.

Маслаҳат кенгашининг тавсиялари университет ўқув ва илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширишда мувофиқлаштирувчи ва уйғунлаштирувчи моҳиятга эгалиги белгилансин.

2. Маслаҳат кенгашининг мақсад ва вазифалари қуйидагилар этиб белгилансин:

— ислом университети талабаларини Ватанимиз мустақиллигига садоқатли ва фидокор, бой маданий ва маънавий меросимизни чуқур ўрганган, замонавий технологиялар ва таълим услублари асосида дунёвий ҳамда диний илмларни уйғун равишда ўзлаштирган етук мутахассислар тайёрлашда тавсиялар бериш;

— жаҳондаги нуфузли илмий-тадқиқот марказларининг ва олий таълим муассасаларининг тажрибасини атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда диний ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва боғлаш асосида университет ўқув-тарбия жараёни сифатини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш, миллатимизнинг буюк илмий, маънавий қадриятлари асосида етук исломшунос мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

— ҳомийларни, шу жумладан хорижий сармояларни жалб этиш, етакчи тадқиқот ва таълим марказларининг ўқитиш услубияти, таълимни ташкил этиш тажрибасини яқиндан ўрганиш ва Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурга мос равишда татбиқ этиш ҳамда хориждан соҳанинг етук мутахассисларини таълим ва тадқиқотлар жараёнига таклиф этишда тавсиялар бериш;

— дунёвий ва диний фанларнинг уйғунлигини таъминлаш асосида ўқув дастурларини мувофиқлаштириш, дарсликлар тайёрлаш ҳамда ўқув жараёни олдига қўйилган вазифаларни ҳар томонлама такомиллаштиришда университет Илмий кенгашига тавсиялар бериш;

— университет ва унинг ҳузуридаги Ислом тадқиқотлар маркази, академик лицейда олиб бориладиган илмий-услубий тадқиқотлар йўналиши ва мавзулари бўйича ҳамда Манбалар хазинасини ташкил этишда тавсиялар бериш;

— университетнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда кенг жамоатчилик билан алоқа боғлаш, бу борада омма афкорини шакллантириш ва фаолиятига кўмаклашиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида»ги 1999 йил 7 апрель Фармони ҳамда «Тошкент ислом университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 1999 йил 7 майдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида университет Маслаҳат кенгашининг Низоми ишлаб чиқилсин ва 10 кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Тошкент ислом университетининг Маслаҳат кенгаши жамоатчилик асосида фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 7 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 7 июндаги Ф-1015 Фармойишига илова

Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгашининг таркиби

1. А. Мансуров
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Кенгаш раиси

2. Н. Жўраев
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси

3. Ҳ. Кароматов
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Тошкент ислом университети ректори

4. А. Баҳромов
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

5. А. Комилов
Ташқи ишлар вазири

6. Ф. Собиров
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси

7. С. Ғуломов
Олий ва ўрта махсус таълим вазири

8. Н. Иброҳимов
Тошкент давлат шарқшунослик институтининг ректори

9. А. Азимов
Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом олий маъҳадининг ректори

10. Н. Комилов
Профессор-исломшунос

11. М. Хайруллаев
ФА Шарқшунослик институти директори

12. З. Мунавваров
Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси раиси

13. Ю. Шокиров
Ўзбекистон мусулмонлари идораси маслаҳатчиси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 8 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	77,61	10 Люксембург франки	30,48
1 Австрия шиллинги	8,93	1 Малайзия рингтити	31,39
1 Англия фунт стерлинги	191,71	1 Германия маркаси	62,86
10 Бельгия франки	30,48	1 Польша злотийси	29,80
1 Голландия гульдени	55,79	1 СДР	159,46
10 Греция драхмаси	3,80	1000 Туркия лираси	0,29
1 Дания кронаси	16,56	1 Финляндия маркаси	20,68
1 БАА дирхами	32,47	1 Франция франки	18,74
1 АҚШ доллари	119,26	1 Швейцария франки	77,46
1 Миср фунти	34,93	1 ЕВРО	122,95
10 Испания песети	7,39	10 Жанубий Корея вони	1,01
100 Италия лираси	6,35	10 Япония иенаси	9,81
1 Канада доллари	80,85	1 Россия рубли	4,90
1 Хитой юани	14,41	1 Украина гривнаси	30,39

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Мазмун ва моҳият

Китоб — содиқ дўст

Маълумки, XXI аср бўсағасида мустақилликка эришган, ўзининг миллий давлатчилигини қўлга киритган Ўзбекистон миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, маънавий, миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, инсонлар учун фаровон турмуш шароитларини яратиш борасида ўзига хос йўл билан одимлаб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари давримизнинг долзарб ижтимоий-сиёсий масалаларига бағишланган бўлиб, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва тараққиётимиз муаммоларининг ечимини топиш, уларни ҳал этишни назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берганлиги билан фақат мамлакатимиздагина эмас, балки жаҳон ҳамжамияти мамлакатларида ҳам жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу асарни меҳнат жамоаларида, ташкилот, муассасаларда, ўқув юртларида ўрганишга катта эътибор берилмоқда.

Шарифжон Қобилов томонидан тузилган ўқув қўлланма асарни ўрганувчи учун ниҳоятда асқотмоқда. Қўлланмадан фойдаланишнинг аҳамияти шундан иборатки, унинг воситасида ўқувчилар назарий қоидаларни чуқурроқ ўзлаштиришади ва эслаб қолади, шунингдек ўрганилаётган ҳодисалар ҳақида аниқ ва ёрқин тасаввур ҳосил қилади.

Ушбу ўқув-қўлланмани тузишда муаллиф асарда ёритилган барча мавзуларни схематик асосда шундай моҳирлик билан тузиб чиққанки, ҳар бир мавзунинг асосий моҳиятини ихчам ва тушунарли қилиб илмий асосда кўрсатиб бера олган. Қўлланма 78 бетдан иборат бўлиб, унда 74 та схематик жадвал берилган.

Ҳозирги кунда Президентимизнинг асари барча олий таълим, маориф тизимида, коллеж ва лицей, корхона, ташкилотларда қизиқиш билан ўрганилмоқда. Бу асар дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган.

Шарифжон Қобилов томонидан тузилган услуб ушбу асарнинг асосини ва таърифини белгиловчи омилларни яққол кўрсатиб, унда бўлган фикр ва мулоҳазаларни қисқа вақтда ўзлаштириш имконини таъминлаб беради.

«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобидаги қоидаларнинг тасвирли равишда батафсил баён қилиниши ўқувчиларни Ўзбекистоннинг XXI аср бўсағасида, Президентимиз таъкидлаганидек, миллатимиз, жамиятимиз ва ҳар бир фуқаро хавфсизлигига, янгиланиш ва тараққиёт йўлига солинаётган таҳдидлар нималардан иборат эканлиги ҳамда «давр таҳдидларига қарши муносиб жавоб бериш учун қандай ишончли кафолатларимиз бор»лиги каби масалаларни чуқур англаб етишларида ёрдам беради.

Шу билан биргаликда ушбу қўлланмадан «Иқтисодиёт назарияси», «Фалсафа», «Сиёсатшунослик», «Ўзбекистон тарихи», «Ҳуқуқшунослик», «Маданиятшунослик»ка оид фанларни ўрганишда ҳам фойдаланиш мумкин.

И. РАҲИМОВ,
профессор,
Н. СОДИҚОВ,
доцент

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Холис, мунозарали ва танқидий руҳда

Қибрай тумани нафақат Тошкент вилоятида, балки мамлакатимизда ҳам машҳур туманлардан биридир. 160 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган мазкур туманда 22 миллат вакиллари умргузаронлик қиладилар. Туманда яшаб, ислоҳотларнинг ривожига ҳиссаларини қўшаётган жонкуярларнинг муайян қисми Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларидир. Туман партия ташкилоти, ўз сафидаги 1843 аъзосига таяниб, кенг қамровли фаолият кўрсатаяпти.

Туман партия ташкилотининг куни кеча бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида 120 делегат иштирок этди. Делегатларнинг 34 нафари хотин-қизлардан иборат бўлди.

Қишлоқ хўжалиги ҳамда саноати ривожланган туманнинг энг қийин участкаларида ХДП аъзолари меҳнат қилишади. Туман партия кенгаши 60 та бошланғич партия ташкилотига етакчилик қилиб, ўз сафларида янги-янги аъзоларни, янгидан ташкил этилаётган бошланғич партия ташкилотларини жипслаштирмоқда. Туманда уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ободонлаштириш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш, кўкаламзорлаштириш, қурилиш кўлами кенгайди. Ташкил этилаётган қўшма корхоналар, саноат корхоналари, кичик тармоқлар, хуллас, янги-янги ташаббуслар бошида туман партия ташкилотининг алоҳида ўрни бор.

Туман ХДП бошланғич ташкилотлари бошқа сиёсий партияларнинг аҳоли ўртасидаги таъсир даражасини ҳам мунтазам ўрганиб бормоқда ва таҳлил этмоқда. Улар томонидан ўтказилаётган тадбирлардан доимо хабардор бўлиб бормоқда. Агар зарурат туғилса, тегишли муносабатини билдирмоқда. Тумандаги «Нуроний», «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари, касаба уюшмалари, бошқа жамоатчилик бирлашмалари, тузилмаларнинг туман бўлимлари билан ҳамкорлик ва шерикчилик алоқаларини янада ривожлантирмоқда.

«Намунали оила», «Энг ибратли келинчак» каби кўрик-танловлар, туман хотин-қизлар ташкилоти билан ҳамкорликда, ўтказилмоқда.

— 1999 йилнинг «Аёллар йили», деб эълон қилиниши муносабати билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишда туман партия ташкилотлари, аёллар кенгашлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик ишларини янада ривожлантирамиз, — дейди туман партия кенгаши биринчи котиби Жуманазар Бекжонов.

Танқидий ва баҳс-мунозараларга бой бўлган ҳисобот-сайлов конференциясида Тошкент вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Сирожиддин Агзамов ҳамда Қибрай тумани ҳокими Мирзамашраб Кўччиевлар нутқ сўзладилар.

Унда туман партия кенгаши ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши таркибига вакиллар ҳамда вилоят партия конференциясига делегатлар сайланди.

Қибрай туман партия кенгашининг биринчи ташкилий пленумида туман партия кенгаши биринчи котиби этиб Жуманазар Бекжонов қайта сайланди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Барча имкониятлардан фойдаланилса...

— ишимиз янада яхши бўларди», — деди ЎзХДП Нишон туман кенгашининг биринчи котиби А. Ибрагимов

— Бироқ, партиявий ишлар, айниқса, бошланғич партия ташкилотларида суст кечаяпти. Хусусан, йиғилишлар ўз вақтида ўтмаяпти. Ана шундай 12 та бошланғич партия ташкилотининг котиби масъулиятсизлиги туфайли вазифасидан озод этилди. Демоқчи бўлганим, бизга номигагина эмас, сидқидилдан ишлайдиганлар керак.

Туман партия кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси ана шундай ўз-ўзини танқид руҳидаги фикрлар билан жонланди. Дарҳақиқат, 55 та бошланғич партия ташкилотларида 2 мингдан зиёд ХДП аъзолари бўлса-да, уларнинг фаолиятини кенг қамровли, деб бўлмайди. Туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда эса ХДП аъзоларининг жонбозлиги сезиларли, бироқ, партиявий тадбирларга эътибор кўнгилдагидек эмас.

Музокараларда сўзга чиққанлар шу тарика фикр билдирдилар. Жумладан, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман ҳокими ўринбосари Н. Ўткирова шундай деди:

— Мамлакатимиз раҳбариятининг жорий йилни — Аёллар йили, деб эълон қилиши биланоқ, туманимизда аёлларга муносабат ўзгаради, деб кутгандик. Лекин, жойларда ўзгаришлар кам. Дейлик, қайси бир хўжаликда Аёллар йилига доир тузилган давлат дастури юзасидан амалий тадбирлар ишлаб чиқилган. Буни назорат қилиш бошланғич партия ташкилотининг фаолиятига кирмайдими?

— Туманимиз раҳбарлари томонидан обунага ҳар гал эътибор қаратилса-да, хўжаликларда бунга панжа орасидан қараш мақда, — деди «Нишон тонги» газетаси муҳаррири С. Турсунова, — Хусусан, айрим хўжалик раҳбарлари, умуман, газета ўқишмайди. Улар обунага иккинчи, ҳатто, учинчи даражали иш сифатида қарашади. Жойлардаги партиядошларимиз бу борада қизғин фаолият кўрсатишларини истардим.

Мазкур анжуман ана шундай эркин фикрлар билдирилган тарзда ўтди. Унда яна тафтиш ва мандат комиссиялари фаолиятига даҳлдор масалалар ҳам ўрганиб чиқилди.

Конференция делегатлари иштирокида ЎзХДП туман кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Кенгашнинг биринчи котиблигига А. Ибрагимов қайта сайланди.

Конференцияда туман ҳокимининг ўринбосари И. Ҳикматов иштирок этди.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Шу кунларда: Асака, Шаҳрихон, Булоқбоши, Олот, Қоракўл, Мингбулоқ, Янгиқўрғон, Чортоқ, Чуст, Қўшработ, Гўзалкент, Нуробод, Меҳнатобод, Олтинсой, Бўка, Қуйичирчиқ, Чиноз, Боғот, Хонқа, Касби, Чироқчи, Баҳористон, Нукус, Кегейли, Хўжайли, Тахтакўпир, Элликқалъа, Қонликўл туманлари ҳамда Қорасув, Хонобод, Гулистон, Ангрен, Урганч шаҳар ҳамда Қарши қурилиш ҳудудий партия ташкилоти конференциялари ҳам бўлиб ўтди. Уларнинг ишида Асака тумани ҳокимининг биринчи муовини А. Матёқубов, Андижон вилоят партия кенгашининг биринчи котиби С. Раҳимов ва Шаҳрихон тумани ҳокимининг биринчи муовини М. Усмонов, Булоқбоши тумани ҳокимининг муовини М. Холмирзаева, Олот тумани ҳокими С.Оққиев, Қоракўл тумани ҳокимининг биринчи муовини М.Фатхуллаев, Мингбулоқ тумани ҳокимининг муовинлари С. Умаров ва Н. Ҳафизова, Наманган вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Х. Убайдуллаев ва Янгиқўрғон тумани ҳокимининг муовинлари К.Тўлабоев ва З. Маҳкамова, Чортоқ туман ҳокими Б.Ҳайдаров, Чуст тумани ҳокими Т. Рўзибоев, Қўшработ тумани ҳокимининг биринчи муовини И. Дўстмуродов, Самарқанд вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Р. Ҳамроқулов ва Гўзалкент тумани ҳокими М. Сатторов, Нуробод тумани ҳокими муовини З.Шукурова, Меҳнатобод тумани ҳокими Х. Раимбердиев, Олтинсой тумани ҳокими Р. Алимов, Тошкент вилоят партия кенгашининг биринчи котиби С.Агзамов ва Бўка тумани ҳокимининг биринчи муовини О. Амиров, Тошкент вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Р. Салихов ва Қуйичирчиқ тумани ҳокимининг муовини М. Абдуназаров, Чиноз тумани ҳокимининг муовини Т. Ботиров, Хоразм вилоят партия кенгашининг биринчи котиби F. Машарипов ва Боғот тумани ҳокими Ш. Хўжаниёзова, Хоразм вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Б. Рўзметов ва Хонқа тумани ҳокими К. Ортиқов, Қашқадарё вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов ва Касби тумани ҳокими Н. Сареков, Чироқчи тумани ҳокими М. Темиров, Баҳористон тумани ҳокими Х. Тожиев, Қорақалпоғистон Республика партия кенгашининг биринчи котиби А. Асанов ва Нукус тумани ҳокими У. Хўжаназаров, Кегейли тумани ҳокими Д. Кошкарбоев, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг ўринбосари А. Ибрагимов ва Хўжайли тумани ҳокими Т. Уснитдинов, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Т. Отамуродов ва Тахтакўпир тумани ҳокими З. Ималатдинов, Қонликўл тумани ҳокими Ж. Каипназаров, Андижон вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Н. Саидкамолов ва Қорасув шаҳри ҳокимининг муовини М. Мамасолиев, Хонобод шаҳри ҳокимининг муовини Ҳ. Матисоқов, Сирдарё вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Д. Қулматов ва Гулистон шаҳар ҳокимининг муовини М. Каримов, Ангрен шаҳри ҳокимининг биринчи муовини М. Ҳасанов ва муовини А. Куканов ва Урганч шаҳар ҳокимининг муовини Г.Ражапова иштирок этдилар.

Мазкур конференцияларда сайланган партия кенгашларининг ташкилий пленумлари бўлиб ўтди. Уларда партия кенгашларининг биринчи котиблари этиб, тегишлича: А. Маҳмудов, Х.Абдуллаева, И. Йўлдошев, М. Тошпўлатов, И. Чориев, И. Мамадалиев, А. Жалолов, И. Шарипов, Н. Расулов, У. Одилов, Н. Тўраев, П Мустафоев, Б. Ҳакимов, А. Соатов, С. Султонов, Б. Комилов, Т. Умаров, Қ.Қурбонов, Б. Шаников, А.Холов, М. Бойхонов, Т.Аҳмедов, Н. Нажимов, Е.Хўжанов, Р. Заирова, А. Матниёзов, Ш. Кенжаев, С. Есимбетов, М. Абдурашидов, С. Нажмиддинов, Қ. Юсупалиев, Б. Йўлдошев, Б. Бобожонов, Н. Халилов сайландилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Огоҳликка даъват

Ватанни севмаганлар хор бўлар...

Мен, газетага хат ёзиб кўрмаганман. Лекин, теварак-атрофимизда бўлаётган воқеалар, айрим ватанфурушларнинг қилиб турган иши, тинч ва осуда мамлакатимизнинг ёруғ кунларини кўролмайдиганларнинг хатти-ҳаракати туфайли матбуотга дилимдагини ёзмоқчи бўлдим. Менинг назаримда фарзанди, ота-онасини яхши кўрмаган, қариндош-уруғларининг қадрига етмаган инсонларга Ватан деган тушунчанинг моҳиятига етишдай туйғу бегона бўлади. Ҳайвон ҳам ўзи яшаб турган жойга меҳр қўяди. Йиртқичлар ҳам ўз болаларини, қўним топган масканни ташқи кучлардан хавф-ҳатар туғилган кезларда ҳимоя қилади. Бу каби инсонлар, очиғи, уларни инсон деб бўлмайди, ҳайвондан ҳам паст улар, бугун ўз ватанига тиғ кўтариб туришибди. Халқнинг қарғишига йўлиққанларнинг у дунёйи бу дунёси куйиб кетади. Косаси оқармайди.

Шуларга бир-икки савол бергим келади: сенларга нима етишмайди? Мақсадларинг нима? Номинг бир умр қора бўлиб, иснодга қолишингни нақотки сезмасанглар? Бутун бир миллатнинг қарғишига йўлиққанингни билиб, ўлар ҳўкиз болтадан қайтмас, қабилида иш тутаётганингни бошқалар билмайди, деб ўйласаларинг керак-да? Бунчалар чиранганларинг сайин ўзларингга қийин бўлмайдими?

Бегуноҳ фарзандларимизнинг жовдираган нигоҳи ҳаққи ватанфурушлик қилиб, эл қонини тўкишга шайланганларнинг жазоси муқаррардир.

Турум МЎМИНОВ,
Денов туманидаги «Ҳазарбоғ» соғломлаштириш маскани раҳбари.

Эзгулик енгилмайди

Тожикистонда рўй бераётган воқеалар барчани ташвишлантираяпти. Кўп қатори биз ҳам яқин қўшнимиз Тожикистон фуқароларининг тинч-осойишта умр кечиришини истаймиз. Урушнинг аянчли оқибатларини кўрдик, эшитдик. Бир тўда ватансизларнинг кирдикорларига учиб Афғон воқеалари Осиё заминида такрорланмаслиги, эл-улуснинг очлик, қашшоқликда азият чекиши, бир бурда нон учун хорлик азобида қийналиши юраги, виждони бор ҳар бир инсонни безовта қилиши табиий. Албатта, бебурд, мансабпараст, беақл кимсаларнинг пайи қирқилади. Ҳеч бир замонда ёвузлик ғолиб келмаган, чунки ер юзида эзгулик тарафдорлари, инсоният манфаати учун фидойилик қилувчилар кўп.

Бу қора ишларнинг бошида турганлар ватанимизнинг мустақиллигини, озодлигини кўролмаётган манфур кимсалар. Тожикистондаги ўзларини диндорлар деб атаётганлар ҳам мансаб учун курашаётган, ўз нафсини қондириш учун ёшларни йўлданураётган нокаслар аслида. Чунки, қатоғон йилларида отани болага, болани отага душман қилганларни ҳам кўрганмиз. Шу тахлит адашган кимсалар ҳам уларнинг йўлини тутишибди. Ҳақиқат барибир қарор топади. Элнинг кўзига чўп қадаб, ҳаловатини бузгувчиларнинг қора нияти амалга ошмайди. Доимо сергак турайлик. Жипслашайлик. Халқимиз тинчлик ва осойишталик тарафдори.

Боймамат ЖУМАҚУЛОВ,
Қашқадарё вилояти, тадбиркор.



— Камоним кучини кўрсатайми?

Даврон АҲМАД олган сурат

Иш билган барака топар

«Дўстлик» дон маҳсулотлари очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси ишлаб чиқарадиган маҳсулот турларининг сифатини яхшилаш билан бирга, уларнинг миқдорини ҳам ошириб боришяпти. Хусусан, корхонада макарон ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди.

Макарон ишлаб чиқариш бу йил ўтган йилга нисбатан 20 тоннага кўпаяди. Шу билан бирга бу ерда иш ўрнини кўпайтириш имкони яратилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришда эса 1,5 баробар фойда олинмоқда.

Шунингдек, корхона жамоаси ҳозирги кунда 18 та хўжалик, 800 нафардан ошиқ фермерларга хизмат кўрсатаяпти. Деҳқонларимиз етиштирган 50 минг тонна ғаллани тез ва соз қабул қилиб олиш учун мавсумга пухта ҳозирлик кўрилди.

Корхонада ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг фаровон турмуш кечиришига шароит яратиб бериш корхона маъмуриятининг доимо диққат марказида.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Ислоҳот ва масъулият

Ҳаёт билан ҳамқадам

Мамлакатимизда изчил кечаётган ислоҳотлар бозор инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ. Юртбошимиз банклар тараққиётга ҳамкор, таянч бўлишини уқтириб келаяптилар. Олий Мажлиснинг кейинги сессиясида ҳам банк тизимини ислоҳ қилишни янада жадаллаштириш вазифаси қўйилди.

Суҳбатдошимиз Абдураҳмат Боймуродов 1962 йилда туғилган, иқтисодчи, Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида таҳсил олган. Ҳозирда республика Марказий банкининг Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаяпти...

— Абдураҳмат ака, юртбошимизнинг Олий Мажлис сессиясидаги маърузаси тараққиётимиз дастуриламалидир. Унда қўйилган вазифаларни теран ўрганмоқ, ёниқ юрак билан амалга оширмоқ лозим.

— Мамлакатимизда кечаётган тараққиёт ва ислоҳотларга дахлдорлик ҳар бир фуқаро қалбини ифтихорга чулғайди. Юртбошимизнинг сессияда айтган ушбу сўзларини ҳам тўлқинланмасдан ўқиб бўлмайди: «Ўтган давр мобайнида эришилган ютуқларнинг мана шу оддий рўйхати замирида, аввало ўтиш даврининг асосий тамойил ва устувор йўналишларини шакллантириш борасида амалга оширилган катта ишларда бугуни ва келажагини ўз қўли билан бунёд этаётган миллионлаб ватандошларимизнинг иродаси, ақл-заковати ва фидокорона меҳнати ётибди».

Асли Ғузор туманида туғилганман. Тумандаги «Шўртангаз» кимё корхонасининг қурилиши ҳам ана шу улуғ ўзгаришларнинг биттаси. Келгусида камёб қурилиш ашёлари ўзимизда тайёрланишига асос соладиган, жаҳонда ҳам мислсиз ҳисобланадиган бундай корхоналар бунёд этилаётганидан фахрланмай бўладими?!

— Мен эса баъзида ислоҳотлар силлиқ кечмаганлиги ҳақида ўйлайман. Бундан тўрт-беш йил бурун Яккабоғдаги йирик корхона раҳбари Тошкентдаги шерикларидан керакли ашёларни олишга пул ўтказиш машаққат эканлигини айтган эди. Ўша пайтларда тўлов варақалари банкларда ҳафталаб, ойлаб туриб қоларди...

— Бундай воқеалар бўлган. Биласизми, ҳозир корхона ёки ташкилотлар керакли маблағни юртимизнинг истаган банкига ўтказишлари учун кўпи билан 10 дақиқа кифоя. Чунки юртбошимиз банк тизимини такомиллаштириш борасида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Айни пайтда вилоятда 12 та акционерлик-тижорат ва битта хусусий банк фаолият кўрсатмоқда. 1995 йилдан электрон тўлов тизимига ўтилган. Компьютерлар ва бошқа замонавий ускуналар кенг жорий этилмоқда.

Бошқармамиз олдига пул муомаласини тартибга солиш, эмиссияни камайтириш, маблағлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш ва бошқа муҳим вазифалар қўйилган. Олайлик, ўтган йили пул эмиссияси 1,8 фоизга камайтирилган бўлса, бу йил янада фаол ҳаракат қилаяпмиз. Текширув натижаларида айрим банкларда маблағлардан мақсадсиз фойдаланганлиги аниқланди. «Тадбиркорбанк» тизимида илгари олиниб, вақтида қайтарилмай қолган қарзлар 5-6 миллион сўм атрофида. Умуман, ҳар бир сўм ўз ўрнида ишлатилишига эришиш лозим. Бунинг учун мижозлар билан ишлаш, уларни ранжитмаслик талаб қилинади.

— Бунга тўла эришиш осон бўлмас... Халқ банкининг Китоб туман бўлимига омонатини қўйган бир киши уч-тўрт йилдан буён бизга шикоят ёзади.

— Ҳа, бу воқеа барча банк ходимлари учун сабоқ бўлиши лозим. Газетангизда босилган «Банкда жиноят юз берди» мақоласини муҳокама қилиб, чора-тадбирлар белгиладик. Миллий банкнинг вилоят бўлими бошқарувчиси алмашди. Халқ банки Китоб бўлими раҳбари ҳам ишдан бўшатилди. Ўша шикоят ёзган фуқаронинг жамғармасини қабул қилган банк ходими ҳисоб варақасига ой ва йилни кўрсатмаган. Унинг ўз вазифасига совуққонлик билан қараши қанча асаб бузарликларга олиб келди. Бошқа жабҳалар сингари банк тизимида ҳам ҳалол, ташаббускор раҳбарлар ишлаши керак. Касб синовларидан 10 та банк раҳбарларининг ўта олмагани ҳам масъулият ҳозир нечоғлиқ катта эканлигини кўрсатиб турибди. Мижозни алдаш, овора қилиш банкнинг обрўсини туширади. Натижада бир банкдан бошқа банкка ҳисобини кўчираётганлар кўпаяди. Бу табиий жараён. Қайси мижоз қайси банк билан ҳамкорликда ишлашини ўзи танламоғи лозим. «Савдогар тижорат» банкининг Шаҳрисабз шаҳар бўлимида 330 дан ошиқ мижоз мавжуд. Банк бошқарувчиси Элбобо Раупов ташаббускор, ҳалол, мижозлар манфаати учун жон куйдирувчи раҳбар. Ҳамма сир шунда.

Шунинг учун ҳам юртбошимизнинг Олий Мажлис сессиясида айтган ушбу сўзлари ҳаммамизга таллуқли: «Бошқарув тизимининг асосий, ҳал қилувчи жойларида замонавий фикр юритадиган, ўз халқи, ўз Ватани манфаатларига ғоят садоқатли, юқори малакали кадрлар ишлаши лозим».

— Истиқлол туфайли хорижий банклар сармояси туфайли улкан лойиҳалар амалга ошаётгани маълум. Ўзимизнинг банкларимиз ҳам чинакам ҳамкор бўлишса, истиқболли лойиҳаларни амалга оширишса, деймиз...

— Сессияда хорижий инвесторларни иқтисодиётимизга янада фаол жалб этиш билан бирга, банк тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштириш вазифаси қўйилди. Бу борада катта ишлар бошланиб кетган. Президентимизнинг 1998 йил октябрдаги «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил январдаги «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эртанги кун дастури. Уларда хизмат соҳасидаги рақобат муҳитини юзага келтириш, иқтисодиётнинг реал секторларига хизмат кўрсатиш ва кредит билан таъминлашни яхшилаш, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни фаоллаштириш каби муҳим йўналишлар белгилаб берилган.

Вилоятимизда ҳам бу соҳада муайян ишлар амалга ошмоқда. Масалан: «Қашқадарёмармар» ҳиссадорлик жамияти Европа тараққиёт банкидан олган кредити Миллий банкнинг вилоят бўлими орқали амалга оширилди. Ҳозир корхонага Италиядан келтирилган энг замонавий, мармарни қайта ишловчи ускуналар ўрнатилиб, маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. «Тадбиркорбанк» вилоят бўлими Яккабоғ туманидаги «Мақсад» хусусий корхонасига 72 минг АҚШ долларига тенг қарз берди ва шифобахш маъданли сув ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона олган қарзини ўз муддатида узиб ҳам улгурди. Уй-жой жамғарма банки вилоят бўлими ўтган йили 48 оилага мўлжалланган иморатни ишга туширган эди, бу йил янги уйлар қуришни давом эттирмоқда.

Бундай ишлар, тайёрланаётган лойиҳалар анчагина. Аммо ҳаёт ҳар куни янги талабларни ўртага қўймоқда. Ҳаёт билан ҳамқадам, тараққиётга ҳамкор бўлиш муқаддас вазифамиздир. Бу масъулиятни ҳар куни, ҳар дақиқа ҳис қилиб меҳнат қилишимиз керак.

Юнус УЗОҚОВ суҳбатлашди.

Имон, эътиқод, маърифат

Имом ал-Бухорий жомеъ масжиди имом хатиби Усмонхон ҳожи Темурхон ўғли билан ёзувчи Сайди Умр суҳбати

— Тақсир, суҳбатимиз аввалида Президентимизнинг «Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг бу хусусдаги қарори ҳақидаги фикрингизни эшитсак.

— Бажонидил. Фармонни жума намозида ўқиб эшиттирганимизда, ҳозир бўлганлар уни беҳад мамнуният, қаноат билан қабул қилишди, Оллоҳга беадад шукрлар айтишди, юртбошимиз ҳақига кўп дуолар қилишди. Мўмин мусулмонлар дилининг тубидаги эзгу орзу, армоннинг ушалиши бўлди-да бу иш.

— Ўрта Осиёда биринчи ислом университети ташкил топиши, уни давлат ўз қарамоғига, ҳифзу ҳимоясига олиши тарихий воқеа бўлганлигини хориж матбуоти, радио ва ойнаи жаҳони ҳам кўп эътироф этмоқда.

— Мусулмончилик аста-секин, деган гап бор. Худога шукр, ниятларимиз бирин-кетин амалга ошиб боряпти. Ҳазрат пайғамбаримиз ҳадисларидан бирида, ишнинг энг яхшиси ўртачаси ва давом этиб тургани дейилади. Истиқлолга эришдик, дадил қадам ташлаб бораётибмиз. Жуда шошганимиз йўқ, орқада ҳам қолиб кетаётганимиз йўқ, ислоҳотлар, қурилишлар, ободончилик ва бошқа соҳаларда қўшниларимиздан олдинда бораётибмиз, камчиликларни тугатиш, тўсиқларни енгиш чора-тадбирлари кўриляпти.

— Салкам ўн беш йилдан буён имом ал-Бухорий масжидида имом хатибсиз. Ушбу қадамжони сизча биладиган одам йўқдир, десак муболаға бўлмас. Қанчадан-қанча зиёратчиларга, давлат ва жамоат арбобларига тушунтириш бергансиз. Янги мажмуа ҳақида зиёратчиларнинг кейинги таассуротларидан гапириб берсангиз.

—Таассуротлар махсус дафтарга ёзиб борилади. Олиймақом раҳбарларга кўпинча юртбошимизнинг ўзлари ҳамроҳ бўлиб келадилар. Туркия Президенти Сулаймон Демирэл жаноблари шу йил 16 мартдаги янги таширифида мажмуани ғоят зўр қизиқиш, шавқ-завқ билан томоша қилдилар, «қанча муддатда бунёд бўлди?» деб сўрадилар, «саккиз ойда битди» деганимизда юз-кўзлари яшнаб кетиб, юртбошимизга қарата «чўқ ғўзал, чўқ ғўзал» деб қўйдилар.

— Имом ал-Бухорийга Шарқнинг муҳаббати, садоқати беқиёслиги маълум. Ғарбнинг муносабати қандай?

— Ғарблик зиёратчилар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Иккита мисол келтирай. Уч йил бурун Англия шаҳзодаси Чарльз ташриф буюрган эди.Ислом тарихига қизиқар экан, бир соатча суҳбат қилдик, кўп саволлар берди. Ҳозир кўрганда қизиқиши, ҳайрати тағин ошган бўларди. Ўтган йил ноябрида ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор келиб кўрди. Шарқ меъморчилигига қизиқиши кучли экан. Айвону устунларни, ганчу ўймакорлик асарларини мароқ билан томоша қилди, айниқса, ёғочга нақш солиб ишланган бир эшикка узоқ тикилиб қолди, устасини суриштирди.

— Мажмуа қурилиши жараёни ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Янги мажмуага кенг ўрин ажратилгани боис эски деворлар, иморатларни бузишга тўғри келди. Бу иш тўрт ойча — декабрдан мартгача давом этди, кейин ўрнига янги мажмуа пойдевори қўйилди. Саккиз ой давом этган жараённи кунма кун ёзиб борганман: кимлар ҳашарга келди, қайси раҳбарлар хабар олди, ҳаво очиқмиди, ёмғир ёғдими, қор ёғдими, чанг-тўзон бўлдими, одамлар астойдил ишлашдими ё қор-ёмғир деб ўзларини панага олдими... Ҳамма сидқидилдан ишлади. Ўтган йил саккизинчи июлда Президентимиз қурилиш жараёнини кўриб, кўп фойдали маслаҳатлар, керакли кўрсатмалар бердилар. Масалан: ҳовуз табиий бўлсин, табиий сув келиб тушсин, кўп воқеалар шоҳиди асрий чинорлар кўрк бўлиб, соя солиб турсин, ҳовли саҳнида яшил майсазор кўп бўлсин, бетон плитани йўлакларга, энг керакли жойларга тўшанглар, айвон полига қадимий чорбурч пишиқ ғиштлардан қўйиб чиқинглар, дедилар. Кейин мақбаранинг ёнидан бир эшик очилса, ҳазратнинг ҳоки пойи, қабрини зиёрат қилишни дилига туккан одам бемалол кириб чиқадиган бўлишини маслаҳат бердилар.

— Зиёратга келганлар миллий меъморчилигимизга, усталаримизнинг бетакрор санъатига қойил қолишяпти, таҳсин айтишяпти.

— Бош меъмор, ташаббускор — юртбошимиз бўладилар. Эсимда, тўқсонинчи йили, ҳали мустақил бўлмаганмиз, бир келдилар, ал-Бухорий қабрларини зиёрат қилдилар, Қуръон тиловатидан кейин «Бу жойни обод қилиш учун биздан қандай ёрдам керак?» дедилар. Ўша вақтлардаёқ Оллоҳ дилларига солган эканлар-да.

Мажмуа қурилишида юртимизнинг энг донғи кетган, қўли гул усталари иштирок этишди. Бу нақшинкор дарвозалару ўймакор устунлар, ҳашамдор айвонлару нилий гумбазлар, мармар деворлару ганчкорлик намуналари... Кўзинг қувонади, ақлинг шошади. Қурилиш жараёни матбуотда муттасил ёритилиб, радиода айтилиб, ойнаи жаҳонда кўрсатилиб турди. Барча усталар, қўли теккан кишиларнинг умрини Оллоҳ зиёда қилсин.

Кираверишдаги учта дарвозани андижонлик уста Йўлбарс ўғиллари, шогирдлари билан ясади, саккиз беҳишт, яъни жаннатнинг номларини ва анъанага кўра, ўзларининг номларини ҳам ёзиб қўйганлар. Санъатнинг антиқа, бетакрор асари. Кирилгач, ўнг томонда меҳмонлар бир оз ҳордиқ оладиган икки хона бўлиб, дарвозаларини тошкентлик усталар ўзига хос, нафис услубда қурганлар.Айланиб бориб, ёғоч устунлик айвонга чиқилади. Бу ердан кўп ёғоч устунлар кўзга ташланади, уларнинг сони етмиш тўртта, устун таги тошлари пойтахт авиация заводида тайёрланиб, тарошланиб қўндирилган. Устунлар турли услубда, бири бирини такрорламайди, лекин бари ҳашамдор, гўзал: қўқонлик, наманганлик, бухоролик, самарқандлик ва бошқа жойлардан келган машҳур усталар санъати. Айвон деворларининг қуйи қисми гуллик мармар тошлар билан қопланган. Худонинг қудратини қарангки, мармар тошнинг ўзининг ичида ажиб гули, нақши бор, қараб тўймайсан. Нақшлар табиий, Оқсоқ ота қарьеридан олиб келинган. Чоркунж, яъни мусулмон ғишт тўшалган айвон орқали ҳовлига ўтамиз, тўғрида меҳмонлар тўпланиб, йиғин, анжуманлар ўтказиладиган каттагина хона қурилган бўлиб, икки табақали нақшинкор эшиклар тепасига тошкентлик қўли гул усталар ҳадислардан намуналар ва ўзларининг номларини битишган. Хоналардаги антиқа, нафис қандилларни «Миконд» заводи усталари тайёрлашган ва ўрнатишган. Айвонларга қўйилган 108 та мўъжаз, бежирим ёритгичлар кўзни олгудек. Айланиб ўтиб, ҳазратнинг мақбараларига борамиз, қабр устига гранит тош, унинг устидан яна бир тош қўйилган, оникс дейилар экан, зумрад десак тўғри бўлармикан. Хориждан келтирилган бу рангли, чиройли тош фақат ўша ерда бўлар экан. Самарқандлик Мирумар Асадов шогирдлари билан тошни йўниб қўйган, устига Қуръондан оятлар ёзган, бош тарафида «ҳар бир жон эгаси ўлим шарбатини тотади» мазмунидаги пурҳикмат оят битилган бўлиб, кишини ўйга толдиради, ҳушёр торттиради, бу ёруғ дунёда ўзига сарҳисоб беришга ундайди, яхшилик, савоб иш қилишга, ёмонликдан тийилишга даъват этади. Хуллас, мажмуани таърифлаб адоғига етиб бўлмайди, уни келиб кўриш керак.

— Янги мажмуани зиёрат қилувчилар кундан кун кўпайиб бораётганини ўқиб, эшитиб, кўриб юрт аҳлининг, айниқса, ўша табаррук заминда туғилиб ўсган биздек шаҳарликларнинг бениҳоя қувонганини айтсангиз.

— Ҳар қанча қувонса, фахрланса арзигулик иш бўлди-да ўзи. Ҳаж арконини бажаришга йўл олувчилар олдин имом ал-Бухорий мажмуасини зиёрат қиладиган бўлишди. Жума кунлари одам тўлиб кетади. Ёшлар кўп келишаётгани қувонарли. Мажмуа қадамжо, ибодат маскани бўлибгина қолмай, маънавият, маърифат, тарбия ишлигидан ташқари, улардан кўпдан-кўп зиёратчилар баҳраманд бўларди.

— Муҳаммад пайғамбаримизнинг «Бешикдан то қабргача илм изла, илм изла», «Ватани севмоқ иймондандур» деган пурҳикмат ҳадисларини аҳли исломга етказган ва бунга ўзлари қаттиқ амал қилган ҳам ал-Бухорий бобокалонимиз бўладилар.

— Балли. Бу зоти бобаракот илм ўрганиш, Ватанни севишда фидойиликнинг беқиёс намунасини амалда кўрсатганлар. Қирқ йил риёзат чекиб қомусий илм соҳиби бўлдилар, беҳисоб саҳиҳ ҳадислар йиғдилар, неча-неча эл-юртларни бу илмдан баҳраманд қилиб улкан ҳурмат-эътиборга сазовор бўлдилар. Охирида кўнгиллари она диёрини қўмсадилар, бор илмини, йиққан ҳадисларини ватандошларига етказишни истадилар, зўр илтифоту мартабалар баҳридан ўтиб Бухорога келадилар. Камтарона ҳаёт кечириб, илм, сабоқ, тарбия ила машғул бўладилар. Илмига, суҳбатига муштоқ самарқандлик уламолар ҳазратни қайта-қайта таклиф қиладилар. Сўзларини қиёлмай йўлга тушадилар. Кексалик, чарчоқлик, сафар азоби, Хартанг қишлоғига етганда бетоб бўлиб ётиб қоладилар. Ҳозир Хартангдан Самарқандгача текис йўл. Тезюрар машиналарда бир қадам, у вақтларда от, туяларда пишқириб оқадиган Оқдарё, Қорадарёдан, тўқай, чангалзор, хатарнок жойлардан ўтиб бориш керак эди. Ҳазратнинг бу ердалигини эшитиб самарқандлик уламолар олиб кетиш учун келадилар. Суханларини ерда қолдирмай, уловгача борадилар. Бир оёғини узангига қўядию иккинчисига мажоллари етмайди, шу онда тилларига бир калом келади. «Шу ер менинг тупроғим бўладиганга ўхшайди. Агар худо шифо берса албатта Самарқандга борурман». Рамазон ойининг ўттизинчи куни хуфтон намозини ўқигандан кейин вафот этадилар.

— Тақсир, имом ал-Бухорий ҳаёти, фаолияти, ҳадислари тадқиқоти хусусида қандай фикрдасиз?

— Ул зотнинг ҳаёти, асарлари ҳақида мақола, суҳбат, рисолалар ёзилган, бир фильм ишланган бўлса-да, катта ишлар, салмоқли тадқиқотлар ҳали олдинда. Марокашда ҳадис илмидан докторлик диссертацияси хатм қилган ўнта олимнинг суҳбатига ноил бўлган эдим. Бизда ҳали бирор докторлик иши ёзилдими-йўқми, билмадим. Олимларимиздан Убайдулла Уватовнинг ҳаракатлари дуруст, бир неча китобча чиқарди.

— Ўзлари ҳам Бахтиёр Набихон ўғли билан ҳамкорликда «Имом ал-Бухорий — муҳаддислар султони» деган китоб битгансиз. Имом хатибларимиз мақола, суҳбатлари билан оммавий ахборот воситаларида қатнашиб, илмий тадқиқотлар билан шуғулланиб турса, қандай яхши.

—Имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий ва бошқа муҳаддислар устози имом Дорамий бўладилар. Самарқанд музофотидан буюк шахс. Афсуски, ҳали билмаймиз. Кичкина тарихи қўлимизга тушди, таржима қилиб, ўрганиб ёзаяпмиз. Ҳижрий II-V асрларда Самарқандда 1016 уламо ўтган экан. Бир манба бор, Мадинада босилган. «Самарқанд уламолари тарихи зикри» деб аталади. Шуни ўрганаётибмиз.

— Ҳар кунги савобли ишларингизда Оллоҳ сизга куч-қувват берсин.

Қўрғонга ўт кетса...

17-йилги тўнтариш ер шарининг бешдан бир бўлагини олов ичида қолдирди. 20-йилларда ўз она юртини ташлаб, уммон ортидан бошпана ахтарганлар, Осиё қитъасида сарсон-саргардон бўлганлар сони ҳеч бир манбада қайд этилмаган. Балки улар ўнтадир, юзтадир, миллионлар гап бунда эмас, гап уясидаги қуш боласига ҳам тегинишни гуноҳ билган замонда инсониятга етказилган уқубатда. Лекин бу ҳам камлик қилди, шўролар давлати кечирар деган маънода тинчгина рўзғор тебратаётганлар навбатдаги нишонга олиндилар. Тарих ўз саҳифаларига «Қатағон қурбонлари» дея ёзиб қўйди уларни.

Истиқлол сабаб миллатимиз ғурури тиклана бошлади. Хотира ва Қадрлаш куни — ўзлигимизни англашга имкон яратди. Бемаъно қатағон қурбони бўлганлар руҳи ёдга олинмоқда.

Уйғур қишлоғида туғилган Қамариддин Юсупов 30-йилларнинг бошида Тошкентга билим олгани келади. Рабфакни битказиб, оилавий шароити оғирлигидан ўқитувчилар тайёрлайдиган педагогика билим юртининг кечки бўлимига ўқишга киради. Кундуз кунлари эса Тошкентдаги уйғур бошланғич мактабида дарс бера бошлайди. Қама-қамадан чўчиган Қамариддин ака болаларга шўроларга бағишланган шеърларни ўргата бошлайди.

Лекин воқеа Қамариддин ака ўйлаганчалик бўлмади, ушбу шеър сабаб НКВД ходимлари келиб, ижарага олинган хонадонни тинтув қилишади. Ҳеч нарса тополмагач, ўзини ҳибсга олишади. Барча айбловлар ўз исботини тополмагач, тергов ишлари тўхтатилиб ҳибсдан озод қилишади. Олти ёшлар чамаси ўғли ва турмуш ўртоғи бағрига қайтиб келган Қамариддин ака энди тугагандир, деб ўйлаганди. Лекин ундай бўлмади, орадан ўн кунлар ўтгач, яна ҳибсга олишди. Оила ночор бўлгани учун, қолаверса иккинчи фарзандига ҳомиладор хотини унинг орқасидан бориб туришга имкон тополмади. Таниш-билишлардан суриштириб билишса узоқ Сибирга сургун қилишибди. Қамариддин ака ҳар гал уйга хат ёзганида албатта иссиқ кийим жўнатишларини сўраб қўярди. Аммо ўта ночор аҳволга тушиб қолган оила учун нон топиб ейиш мушкул бўлганда, иссиқ кийим жўнатиш орзу эди холос. Бунинг устига жўжабирдай жон.

1943 йилнинг март ойларида Қамариддин ака оиласига хат келади. Хатда у кишининг вафот этганлиги ёзилган эди. Қўрғонга ўт кетса ҳўлу қуруқ баробар ёнади деганлари шу бўлса керак.

Ҳозирги кунда Сирғали туман, 8-мавзеда истиқомат қилаётган Лемом Юсупов отаси Қамариддин ака ҳақида элас-элас эслайди. 38-йиллар эндигина 6 ёшни қоралаган бола учун туманли бўлиши табиий. Хонадонда сақланиб қолган ЎзССР Олий судининг маълумотномаси, унда: I/VI-38 йилда 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган Қамариддин Юсупов бегуноҳ деб топилиб, барча айблар зиммасидан олиб ташланганлиги ёзилган. 1958 йилда оқланган отанинг бегуноҳлиги 26 ёшли фарзанднинг кейинги ишларида қўл келгани аниқ. Чунки, Шўролар даврида «Ватан хоинининг фарзанди» деган тамға 90 - йилларгача мавжуд эди. Истиқлол туфайли Қамариддин ака сингари бегуноҳ кетганлар хотираси қадр топди.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Суратда: Қамариддин Юсупов (ўнгда) укаси Мунир билан

Мақсад — Милошевични ағдариш

Америка сиёсатининг муҳим мақсадларидан бири Милошевични ўрнидан ағдаришдир, деб баёнот берди АҚШ Сенатининг ташқи ишлар бўйича комитети аъзоси. «Биз Югославия билан савдо-сотиқ доирасида мумкин бўлган барча ишни, шунингдек унинг бу мамлакатда раҳбар бўлиб қолмаслиги учун бошқа чораларни кўришимиз лозим», — деди республикачи сенатор Жон Ашкрофт телевидение дастурига берган интервьюсида. Унинг сўзларига кўра, энг ёмони Милошевич Сербияни, эҳтимол бутун мамлакатни назорат қилишни ўз қўлида сақлаб турган эмиш.

Янги ҳукумат шаклланмоқда

Сайловларда улкан ғалабага эришган Исроилнинг янги бош вазири Егут Барак орадан уч ҳафта ўтган бўлса-да коалицион ҳукуматни шакллантиришни давом эттираяпти. Якшанба куни у миллий телевидение орқали сўзга чиқиб, ҳанузгача маҳкамани кенг асосда, нисбатан келишув билан ташкил этишга эришмаётганини айтди. Бунинг учун унда яна бир ой муҳлат бор, бироқ у ҳозирдаёқ Исроил парламентида муваффақиятга эришишни кўзламоқда.

Шунингдек, Барак Исроил учун энг оғриқли масалалардан бири — яҳудий аҳоли пунктлари ҳақида янги таклифларни айтди. Баракнинг фикрича, янги аҳоли пунктлари ташкил этилмайди, бироқ эскилари сақлаб қолинади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси Сиз азизларни 1999 йил 29 июнь куни соат 11.00 да республика Биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги

КИМОШДИ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Савдога бошқа мулклар билан бирга Тошкент вилояти, Оҳангарон туманида жойлашган, банкрот бўлган «Оҳангарон» ҳиссадорлик жамиятининг қуйидаги мулклари ҳам қўйилади:

1. «Карахтай» дўкони биноси (стеллаж, пештахталари билан бирга).**Бошланғич нархи** — 952 428 сўм.
2. «Ёш оила» дўкони биноси (стеллаж, пештахталари билан бирга). **Бошланғич нархи** — 679 568 сўм.
3. «Шодмалик ота» дўкони биноси (пештахта, стеллажлари билан бирга). **Бошланғич нархи** — 794 366 сўм.
4. «Жанубий» кафеси биноси (совутиш камераси, совутиш витринаси билан бирга). **Бошланғич нархи** — 390 051 сўм.
5. Хўжалик моллари биноси (пештахта, стеллажи билан бирга). **Бошланғич нархи** — 386 773 сўм.
6. «Универмаг» дўкони биноси (пештахта, стеллажи билан бирга). **Бошланғич нархи** — 583 336 сўм.
7. «Оҳангарон» давлат хўжалигида жойлашган дўкон биноси (совутиш шкафи, совутиш витринаси, пештахтаси билан бирга). **Бошланғич нархи** — 790 001 сўм.
8. Дўкон биноси (совутиш камераси, совутиш витринаси, сейф, пештахтаси билан бирга). **Бошланғич нархи** — 1491 442 сўм.
9. «Карахтай» озиқ-овқат дўкони биноси (совутиш шкафи, қоровулхона, совутиш витринаси, кондиционери билан бирга). **Бошланғич нархи** — 146 306 сўм.
10. «Ангрен» давлат хўжалигида жойлашган дўкон биноси (совутиш камераси, совутиш витринаси, пештахтаси билан бирга). **Бошланғич нархи** — 1 620 сўм.
11. «Карахтай» омбори жиҳозлари. 2 дона совутиш камераси. **Бошланғич нархи** — 54 033 сўм.
12. «Карахтай К» мебел магазини биноси, (омборхона, стеллаж билан бирга). **Бошланғич нархи** — 1 756 520 сўм.
13. «Тут қишлоғи» дўкони биноси, (совутиш камераси, совутиш витринаси, пештахтаси билан бирга). **Бошланғич нархи** — 507 868 сўм.
14. «Янгиариқ» дўкони биноси (пештахта, стеллаж билан бирга). **Бошланғич нархи** — 1 280 698 сўм.
15. «Охунбобоев» дўкони биноси (стеллаж, пештахта билан бирга). **Бошланғич нархи** — 852 983 сўм.
16. Нўғайқўрғонда жойлашган Лимонад цехи «Омбор» биноси. **Бошланғич нархи** — 4 191 368 сўм.
17. Кондитер цехи биноси (2 дона машинка, 2 дона КХП-260 совутгичи билан бирга). **Бошланғич нархи** — 1 469 500 сўм.
18. «Ором» ошхонаси биноси (КХП-26 совутиш камераси, ШХ-160 совутиш камераси билан бирга). **Бошланғич нархи** — 850 101 сўм.
19. «Санжар» ошхонаси биноси (КПЗ-160 электрқозонхонаси, П-4 электр плитаси, КХП-260 совутиш камераси, ШХ-160 совутиш камераси, ЦС-13 машинкаси, Совутиш шкафи ва бошқа жиҳозлари билан бирга). **Бошланғич нархи** — 3 236 867 сўм.
20. Кабобхона. **Бошланғич нархи** — 85 198 сўм.
21. «Ўзбекистон» чойхонаси биноси. **Бошланғич нархи** — 370 505 сўм.
22. Лимонад цехи аппаратураси. **Бошланғич нархи** — 47 527 сўм.
23. Вагонетка. **Бошланғич нархи** — 68 831 сўм.
24. Бўрдоқичилик базаси (ишламайдиган Т28х4 трактори, вагонеткаси билан бирга). **Бошланғич нархи** — 80 077 сўм.
25. «Самсунг» касса аппарати (20 дона). **Бошланғич нархи** — 1 888 479 сўм.
26. «Шарп» касса аппарати (23 дона). **Бошланғич нархи** — 1 458 580 сўм.
27. Ҳисоблаш машинкаси (ишламайдиган) **Бошланғич нархи** — 30 025 сўм.
28. Ксерокс (ишламайдиган). **Бошланғич нархи** — 79 211 сўм.
29. «Бирлик» дўкони биноси (совутиш пештахтаси,20 дона пештахта стеллажи , 2 дона ойнали пештахта,8 дона пештахта столи билан бирга). **Бошланғич нархи** — 3 49 780 сўм.
30. Ёрдамчи хўжалик дўкони биноси (пештахта стеллажи, тарозилар, совутиш шкафи, совутиш пештахтаси билан бирга). **Бошланғич нархи** — 218 562 сўм.
31. Ёрдамчи хўжаликнинг 39 сонли дўкони биноси (тарозилари, пештахта столи, пештахта стеллажлари билан бирга). **Бошланғич нархи** — 283 659 сўм.
32. «Сартамғали» ёрдамчи хўжалиги дўкони (тарозилари, совутиш шкафи, пештахта стеллажлари билан бирга). **Бошланғич нархи** — 13 546 сўм.
33. «Узумзор» дўкони биноси (пештахта стеллажлари, тарозилари билан бирга). **Бошланғич нархи** — 319 836 сўм.
34. Савдо маркази дўкони (витрина пештахталари, металл осқич, пештахта столи, металл стеллажлари билан бирга). **Бошланғич нархи** — 29 925 сўм.
35. «Телоб» қишлоқ истеъмолчилар жамияти (СельПо) идораси биноси. **Бошланғич нархи** — 460 563 сўм.
36. «Шавгаз» 4 сонли дўкони (стеллаж, пештахтаси билан бирга). **Бошланғич нархи** — 275 098 сўм.
37. «Айритом» 27 сонли дўкони биноси (пештахта стеллажи билан бирга). **Бошланғич нархи** — 273 979 сўм.
38. «Сой оғзи» дўкони (вагонетка билан бирга). **Бошланғич нархи** — 75 618 сўм.
39. Қуйи «Кучбулоқ» дўкони биноси (тарозилари, совутиш витринаси, пештахта столи, пештахта витринаси металл стеллажлари билан бирга). **Бошланғич нархи** — 583 579 сўм.
40. Юқори «Кучбулоқ» дўкони биноси (витрина пештахтаси, тарозилар, совутиш камераси, совутиш витринаси, пештахта столи, ойнали пештахта столи, металл омборхона жой билан бирга). **Бошланғич нархи** — 304 388 сўм.
41. «Янги ҳаёт» дўкони (пештахта стеллажи, омборхона стеллажи билан бирга). **Бошланғич нархи** — 9 870 сўм.
42. «Янги ҳаёт» озиқ-овқат дўкони (совутиш камераси, пештахта столи, пештахта стеллажи, тарозилари билан бирга). **Бошланғич нархи** — 12 164 сўм.
43. «Сусам» дўкони (пештахта стеллажи, тарозилари билан бирга). **Бошланғич нархи** — 9 125 сўм.
44. С. Раҳимов 16 сонли дўкони (пештахта стеллажи, ишламайдиган совутиш витринаси, витрина пештахтаси, тарозилари билан бирга). **Бошланғич нархи** — 27 158 сўм.
45. «Чўвилдоқ» дўкони биноси (пештахта витринаси, тарозилари билан бирга). **Бошланғич нархи** — 312 262 сўм.
46. Дўкон (стеллажи билан бирга). **Бошланғич нархи** — 2 162 сўм.
47. «Бирлик» жамоа хўжалиги дўкони (совутиш витринаси, пештахта стеллажи, ойнали пештахта столи билан бирга). **Бошланғич нархи** — 25 091 сўм.
48. «Ғалла-қудуқ» дўкони (совутиш витринаси, пештахта стеллажи, пештахта столи билан бирга).**Бошланғич нархи** — 25 372 сўм.
49. «Дўстлик» дўкони (пештахта стеллажи, пештахта столи билан бирга). **Бошланғич нархи** — 12 427 сўм.

Мазкур мулкларга қизиқиши бор ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 10-уй.
Ўзбекистон Биржалар маркази биноси, 3-қават, 29-хона.
Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75. Ички: 153, 162.
Факс: 136 26 26

Хатарли иштирок

Халқаро тинчлик ўрнатувчи кучлар Косовода камида тўрт йил туриши мумкин. ГФР мудофаа вазири Рудольф Шарпинг ана шундай баёнот берди.

Бундан ташқари у, «Франкфуртер альгемайне» газетасига берган интервьюсида, Косово можоросининг тинч йўл билан ҳал этилиши НАТОнинг анчагина кучларини банд этади, бу эса можарони бартараф этишда қатнашаётган немис ҳарбийлари сонини кўпайтиришга олиб келиши аниқ, деб таъкидлади.

Кейинги ҳафтада Германия Бундестаги Косободаги халқаро тинчлик ўрнатиш ҳаракатларида қатнашувчи бундесвер бўлинмаларининг ваколатини тасдиқлаши лозим. Жангчиларнинг аниқ сони сешанба куни бўладиган Бундестаг йиғилишида белгиланади.

Шарпинг можаро рўй берган минтақада иштирок этувчи Германия ҳарбий хизматчиларининг сони 6 мингтадан ошади, деб ҳисобламоқда. Шунингдек, мудофаа вазири тинчликсевар кучларнинг иштироки жуда хатарли эканлигини таъкидлади. Чунки Косовода кўп миқдорда мина ва портловчи моддалар қолдирилган. Шунингдек, Шарпинг Югославия президенти Милошевичнинг чет эл ҳисобидаги барча маблағлари Югославияни тиклаш учун сарфланиши керак, деди.

Хитойга расмий сафар

Бугун Финляндия Президенти Мартти Ахтисаари Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзэмин билан учрашиш учун Пекингга учиб кетади. Учрашув чоғида Мартти Ахтисаари Хитой раҳбарига Югославия раҳбарияти ва НАТО ўртасида эришилган тинчлик битимининг тамойиллари ва йўл-йўриқлари ҳақида ахборот беради, деб тахмин қилинмоқда.

Финляндия Ташқи ишлар вазирлигининг хабарига кўра, бўлажак сафардан фин раҳбарининг умиди катта, чунки ХХР бомбардимон қилишни тўхтатишни талаб қилиши тайин эди, энди эса БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ҳужжатини маъқуллаш учун бошқа тўсиқлар қолмаган.



Саратонда сув сари

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 8 iyun, seshanba • № 67 (24.462).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Пушкин 200 ёшда

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида жаҳон адабиётига улкан улуш қўшган Александр Сергеевич Пушкиннинг таваллуди нишонланди. Анжуманни ЎзРФА мухбир аъзоси Бахтиёр Назаров кириш сўзи билан очди. Бу кун анжуманга адабиётшунослар йиғилган эди. Пушкин хатига ёки ижодига янгича қараш, янги талқинлар бўлди. Масалан, филология фанлари номзоди Суюма Ғаниева Қуръони Каримнинг (рус тилида В. Порохова таржимаси) биринчи саҳифасидан Пушкин Қуръондан қандай таъсирланганлиги ҳақидаги парчаларни ўқиб берди. Аслида буюк шоир Пушкиннинг овози, руҳияти шарққа мойил. Таниқли адабиётшунос Иззат Султон Пушкинни ўзбек адабиётига таъсири ҳақида сўзлаб «Бекат назоратчиси» асари таржимаси тарихига тўхталди. Маърузачилар гапидан шуни билиш мумкинки, мустабид тузум даврида ижодига қора чапланмаган ижодкорлардан бири Пушкин. Қатнашувчилар, сўзга чиқувчилар XIX аср тонгидаги шафақ — Пушкин ижодига XX аср субҳида чўлпон юлдузидек чарақлаган Чўлпон сиймосининг уйғунлигини алоҳида таъкидладилар.

Ижодкор ҳақида олимлар, тарихчилар ўз қарашлари, тадқиқотлари бўйича сўзладилар. Шу ўринда Суюма Ғаниева Мирза Фатали Охундовнинг Пушкин ўлимига ёзган марсияси ва унинг асли форсийдан Мақсуд Шайхзода таржимаси мавзусида гапирганда ўйланиб қолдим. Пушкин ўлими назаримда одатдаги дафъатанлик эмас. Пушкин ўлимига «аёл киши» дастак қилиб кўрсатилиши ўша давр айрим кибор даврлари учун зарур бўлган гўё. Ҳали буни олдиндаги тадқиқотлар кўрсатади. Худлас, анжуманлар барча нарсаларнинг калити. Жумбоқлар кенгашларда очилади...

Шукур ЖАББОРОВ

Тошкентда теннис байрами

Шу кунларда Ватанимиз пойтахтида яна бир йирик халқаро мусобақа ўтказилмоқда. Мухлисларга маълумки, тўрт йил аввал «Челленжер» теграсида ўтказилган хотин-қизларнинг халқаро теннис турнири кўпчиликда яхши таассурот қолдирган эди. Ўтган йиллар мобайнида бу мусобақага эътибор ортди. Меҳмон теннисчиларга Тошкент ёқиб қолгани маълум бўлди. Шу муносабат билан бу турнирга «Тошкент опен» номи берилди. Баҳснинг нуфузи ҳам, мақоми ҳам ўзгарди. Шу кунлан майдонга тушишлари аниқлана борди. Мусобақада эса жаҳон рейтингида 41-ўринни эгаллаб турган теннисчилар ҳам бор. Хусусан исроиллик Анна Смашнова биринчи учрашувда австриялик Аннабел Эллвуд билан майдонга тушиши аён бўлди. Асосий учрашувларга йўлланма олиш учун саралаш баҳсларида иштирок этаётган теннисчилардан қайси бири муваффақият қозонгани ҳали аён бўлмагани учун ҳамюртимиз Лилия Бектяковининг рақиби аниқланмай қолди. Ишончимиз ва умидимиз ҳисобланган, мухлислар фахр билан номини тилга оладиган Ирода Тўлаганова эса голланд теннисчиси Седа Нурландер билан майдонга тушадиган бўлди. Бир сўз билан айтганда ҳафта мобайнида қизғин ва муросасиз беллашувлардан кейин бош соврин соҳиби маълум бўлади.

Қизиғи шундаки, мусобақада ҳаракат қилган қуруқ қолмайди. Мукофот жамғармаси 112,5 минг доллар қилиб белгиланган. Ким 80 очко тўплаб, биринчи ўринни эгалласа 16 минг долларнинг соҳиби бўлади. Қурашни финалгача етказганларга 8 минг доллар белгиланган. Ярим финалчилар 4,400 доллар билан қаноатланадилар. Чорак финалчиларга 2, 250 доллардан бериш кўзда тутилган. Дастлабки учрашувда ғалаба қозониб 1/16 финалга чиққан теннисчи 100 доллар олса, ғолиблар сафида майдонга чиққан ҳар бир теннисчига 850 доллардан тақсимланади. Мусобақа қоидасига кўра ғолиблар аниқлашга мўлжалланган саралаш ўйинлари уч даврада ўтказилади. Биринчи даврадан ўтолмаганларга 200, иккинчи даврага чиққанларга 325, учинчи давра соҳибларига 475 доллардан берилиши мумкин.

Умуман, халқаро теннис иштирокчилари йилдан-йилга тўғри маънода бойиб боришмоқда десак муболаға бўлмас. Айтайлик, голланд теннисчиси Седа Нурландер ҳисобида бугунгача 216,128 доллар жамғарилган бўлса, исроиллик Анна Смашнова 381,494 доллардан баҳраманд бўлиб турибди. Бельгиялик Лоранс Кортуа ҳам чакки эмас, унинг топганлари ярим миллион долларга етай деб қолди. Зеро АҚШда ном таратган опа-сингил Венус ва Серена Вильямелларга ҳеч ким етолмаса керак. Уларнинг каттаси 2,5 миллион, кичиги 600 минг доллар ҳисобида ҳисоб юритишмоқда. Демак, теннисга ошуфта бўлиш, кичик тўп билан муомала ҳадисини олиш қизларга фақат фойда келтиради. Муҳими саломатликни мустаҳкамлаб, номининг жаҳон миқёсида улуғланишига имкон бор.

Кеча турнирнинг очилиш маросими байрамона тус олди. Халқаро теннис турнирлари ташкилотчиси С. Кокшури билан Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов юртимизда теннисга эътибор катталиги, бундай хайрли ишга юртбошимиз раҳнома эканини эътироф этдилар. «Тошкент опен» кубоги учун баҳс иштирокчилари эса маҳорат кўрсатиш йўлида астойдил саъй-ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳайдар НОСИРОВ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-55-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Юсуф ЖЎРАЕВ, навбатчи Шукур ЖАББОРОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 23.819 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0440

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 2300
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Давр менинг тақдиримда

Ислом КАРИМОВ:

Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!

XXI асрда ўзбек журналистикаси қандай бўлади? Албатта, келажак авлод, ҳаётнинг долзарб жавҳасига кириб келаётган ёшлар фикри, бу саволга ёруғлик киритади деб ўйлаймиз. Шу муносабат билан бўлажак абитуриентларга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик:

1. Журналистика осон касб эмас, сизни айнан мана шу соҳага йўналтираётган туйғу ёки мақсад нима?

2. Сиз XXI аср журналистикасини қандай тасаввур қиласиз?

3. Шу соҳа эгаси бўлганингиздан сўнг олдингизга қандай мақсадларни қўясиз?

Анвар САМАДОВ, нафис санъат лицейи битирувчиси:

— Журналист теварак атрофдаги ҳар хил воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдирадиган, халққа тўғри йўлни кўрсатадиган инсон деб ўйлайман. Унинг бахти шундаки, юксак тоғлар ёхуд қум тепалар ортида яшаётган, ўчоққа ўт қалаб, қўй боқиб кун ўтказаётганларнинг ҳам дардини айта олади.

— XXI асрда журналистика ҳаётнинг ишончли устунига айланади. Ана шу келажаги порлоқ тўртинчи ҳокимият вакили бўлиш бизга ҳам насиб этсин.

— Келажакда бу соҳанинг янада юксалиши биз каби ёшларга боғлиқ. Шуни ҳис этган ҳолда ўқишимиз, изланишимиз зарур.

Муқаддас ЭРАЛИЕВА, юқори синф битирувчиси:

— Журналист бутун дунё билан ҳамнафас бўлади. Журналист ҳар доим ҳаётдан бир-икки қадам олдинда юради. Жамиятда нима янгиланиш бўлса, аввало шу соҳа эгалари томонидан аксадо беради. Шунинг учун ҳам журналист бўлгим келади.

— XXI аср журналистикасининг имконият даражаси янада эркин, кенг қамровли бўлади. Журналист аниқ ахборот тарқатиб, уларни таҳлилий тарзда халққа етказади.

— Шу соҳада хизмат қилиб озми-кўпми жамият тараққиётига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Фарруҳбек ОЛИМОВ, юқори синф битирувчиси:

— Журналистикага киришимнинг асосий сабаби оиламиздаги муҳит бўлса керак.

— Келажакни тасаввур этиш осон эмас.

— Бирдан бир мақсадим халқимиз орзу қилган журналистга айланишдир.

Юнус БЎРОНОВ, юқори синф битирувчиси:

— Журналистика соҳасини танлашимнинг асосий сабаби дунёни кўриш, билиш. У теваракдаги ҳар бир воқеа ва ҳодисалардан ўзига хулоса чиқара олади ва инсониятни қийнаб келаётган муаммоларни тўлатўкис очиб беришга ҳаракат қилади. Мен ҳалқаро журналист бўлиб, дунё бўйлаб юришни орзу қиламан. Халқимизни бутун жаҳон хабарлари билан таништираман.

— XXI асрда журналистлар дунёнинг турли нуқтасидан ахборот олиш санъатини пухта эгаллаб олади.

— Хорижда машҳур ахборот ағентликлари бор. Улар кўпгина халқларни турли тилларда дунёда бўлаётган воқеалардан хабардор этиб туради. Худди шундай юқори савияли журналистларга эҳтиёж сезаяпман.

Баҳодир ХЎЖАҚУЛОВ, юқори синф битирувчиси:

— Журналистикани танлашимнинг асосий сабаби шу соҳага қизиқаман.

— XXI аср журналистикасини қандай бўлиши, бу соҳани кимлар эгаллашига боғлиқ.

— XXI аср зукко журналисти бўлишни орзу қиламан ва ҳаракат қиламан.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли суҳбатлашди.

Ватан мадҳи

Пойтахтимизнинг Ҳамза номли ўзбек Давлат драма театри биносида Ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» кўрик танловининг якунловчи босқичи бўлди. Бунда анъанага кўра, Ватан мадҳи, эл-юрт севинчи, касбига, халқига меҳр, садоқат туйғулари тараннум этилди.

Қўшиқ айтиш шаклида изланган халқ посбонлари янги-янги оҳангларда, овозларда чиқиш қилишди. Ҳакамлар биринчи ўринни Ички қўшинлар бош бошқармаси вакили Ўткир Ҳамдамовнинг «Бепарво бўлма халқим» қўшиғига беришди. Шу тариқа иккинчи, учинчи ва рағбатлантирувчи мукофотлар эгаларига топширилди.

Шукур ДАДАМИРЗО

Борлиқ—товушларда мужассам

Теварак-атрофга бир назар ташлаб кўринг-а? Турли-туман манзара. Оллоҳга беҳад шукрлар бўлсинки, одамзотни жуда чиройли қилиб яратди.

Борлиқ гўзал. Тириклик файзли. Бироқ кейинги пайтда экологиянинг бузилиши натижасида турли хил касалликлар келиб чиқмоқда. Шулардан бири болалардаги яхши эшитмаслик хасталиги сўнгги пайтларда жиддий муаммога айланяпти. Тиббиёт фанлари доктори, профессор, II-Тошкент Давлат тиббиёт институти қулоқ бурун, томоқ касалликлари ва юз жарроҳлиги кафедраси мудири, республика эшитишни қайта тиклаш илмий маркази директори Абдумалик Ҳакимов билан шу хусусда фикрлашдик:

— Эшитиш қобилияти гўдак ривожи учун муҳим аҳамиятга эга. Бу қобилиятнинг бузилиши унинг руҳий, жисмоний ривожига салбий таъсир этади. Эшитиш қобилияти нуқсонларининг пайдо бўлишига олиб келувчи сабаблар орасида асосий ўринни менингит, қизамиқ, скарлатина, паротинг (тепки), ўпка яллиғланиши каби юқумли хасталиклар, шунингдек, ўрта қулоқнинг ўткир яллиғланиши эгаллайди. Кўпинча, эшитиш қобилиятининг қатъий бузилишига грипп ҳам сабабчи бўлади. Ўпка яллиғланишининг (пневмония) оқибатлари айниқса, эмизикли болалар учун хатарли. Болалардаги эшитиш қобилиятининг бузилишига кўп ҳолларда бурун ва халқум хасталиклари (бурун ичининг шишиши), полиплар, бурун чаноғининг кенгайиши, бурун тўсиғининг қийшайиши ва шунингдек, кўпчилик у эътибор бермайдиган аденоид ўсишлик сабаб бўлади. Аденоид ўсиқлар сурункали тумов ва ўрта қулоқ катари сабаб бўлади. Бу эса кўпинча эшитиш қобилиятининг кам ривожланишига олиб келади.

Болалардаги эшитиш қобилиятига хос бўлган нуқсонларни вақтида пайқашда педиатрлар муҳим роль ўйнайди. Улар тиббиёт ходимлари орасида биринчи бўлиб мазкур патологияга тўқнаш келадилар. Бу ўринда яқин қариндошлар никоҳи билан барпо этилган оилаларга алоҳида эътибор бермоқ даркор. Эшитиш қобилияти бузилган деб гумон қилинган болалар зудлик билан махсус текширувдан ўтишлари зарур.

Саломатлик сирлари

Республикамизда эшитиш ва нутқ қобилиятларининг бузилишларини тиклаш билан илмий методик марказ (республика сурдомаркази) шуғулланмоқда. Бу ерда сурдолог, аудиолог, сурдопедагог, эшиттгич протезист каби малакали мутахассислар болаларни ҳар томонлама текширувдан ўтказадилар, эшитиш қобилиятининг тузилиш даражасини аниқлайдилар.

Биз яқинда Даниянинг «ДАНАВОКС» фирмаси билан халқаро семинар ўтказларда йигирмадан ортиқ мамлакатдан ташриф буюрган моҳир теннисчилар бош соврин учун баҳс юритишга шай бўлиб туришибди.

Дам олиш куни «Интерконтинентал» меҳмонхонасида мусобақа иштирокчиларининг ўзаро баҳсларини аниқловчи тадбир ўтказилди. Албатта бу иш қурьа ташлаш билан белгиланади. Маросимда халқаро мусобақанинг ташкилотчилари, чет эллик меҳмонлар, республика спорт ва олимпиада қўмиталарининг раислари иштирок этишди. Қурьани бирин-кетин кўтариб турган болалар ишораси билан 32 нафар теннисчининг ўзаро дастлабки турда ким биси Седа Нурландер билан майдонга тушадиган бўлди. Бир сўз билан айтганда ҳафта мобайнида қизғин ва муросасиз беллашувлардан кейин бош соврин соҳиби маълум бўлади.

Қизиғи шундаки, мусобақада ҳаракат қилган қуруқ қолмайди. Мукофот жамғармаси 112,5 минг доллар қилиб белгиланган. Ким 80 очко тўплаб, биринчи ўринни эгалласа 16 минг долларнинг соҳиби бўлади. Қурашни финалгача етказганларга 8 минг доллар белгиланган. Ярим финалчилар 4,400 доллар билан қаноатланадилар. Чорак финалчиларга 2, 250 доллардан бериш кўзда тутилган. Дастлабки учрашувда ғалаба қозониб 1/16 финалга чиққан теннисчи 100 доллар олса, ғолиблар сафида майдонга чиққан ҳар бир теннисчига 850 доллардан тақсимланади. Мусобақа қоидасига кўра ғолиблар аниқлашга мўлжалланган саралаш ўйинлари уч даврада ўтказилади. Биринчи даврадан ўтолмаганларга 200, иккинчи даврага чиққанларга 325, учинчи давра соҳибларига 475 доллардан берилиши мумкин.

Умуман, халқаро теннис иштирокчилари йилдан-йилга тўғри маънода бойиб боришмоқда десак муболаға бўлмас. Айтайлик, голланд теннисчиси Седа Нурландер ҳисобида бугунгача 216,128 доллар жамғарилган бўлса, исроиллик Анна Смашнова 381,494 доллардан баҳраманд бўлиб турибди. Бельгиялик Лоранс Кортуа ҳам чакки эмас, унинг топганлари ярим миллион долларга етай деб қолди. Зеро АҚШда ном таратган опа-сингил Венус ва Серена Вильямелларга ҳеч ким етолмаса керак. Уларнинг каттаси 2,5 миллион, кичиги 600 минг доллар ҳисобида ҳисоб юритишмоқда. Демак, теннисга ошуфта бўлиш, кичик тўп билан муомала ҳадисини олиш қизларга фақат фойда келтиради. Муҳими саломатликни мустаҳкамлаб, номининг жаҳон миқёсида улуғланишига имкон бор.

Кеча турнирнинг очилиш маросими байрамона тус олди. Халқаро теннис турнирлари ташкилотчиси С. Кокшури билан Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов юртимизда теннисга эътибор катталиги, бундай хайрли ишга юртбошимиз раҳнома эканини эътироф этдилар. «Тошкент опен» кубоги учун баҳс иштирокчилари эса маҳорат кўрсатиш йўлида астойдил саъй-ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳайдар НОСИРОВ

Суратда: профессор А. Ҳакимов (ўнгдан биринчи) шогирдлари билан беморни тиббий кўрикдан ўтказишмоқда.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Ёшу кексалар жамияти

1999 йил — Халқаро қариялар йили

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси «Халқ сўзи» ва «Правда Востока» газеталари редакциялари билан биргаликда БМТ ташаббуси билан бу йил нишонланаётган Халқаро қариялар йилига бағишланган энг яхши асарлар учун танлов эълон қиладилар.

Танловдан мақсад-Ўзбекистон жамоатчилигини республикада яшаётган қарияларнинг аҳволидан кенгроқ хабардор қилиш, сиёсатчилар, тижоратчилар, олимлар, журналистлар, ноҳукумат ташкилотларнинг вакиллари эътиборини қариялар нинг аҳволини яхшилаш муаммоларига жалб этиш ва шу йўл билан қарилик муаммолари бўйича халқаро режада кўзда тутилган кенг кўламдаги мақсадларга эришишга ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Танловга БМТнинг ёши ўтган одамларга муносабатининг принциплари (ёндашувлари)га доир қуйидаги мавзулар ёритилган мақолалар, бадиалар, лавҳалар ва бошқа жанрлардаги асарлар қабул қилинади:

❒ Қариялар ҳамма қатори, сифати талабга жавоб берувчи озиқ-овқат, сув, турар-жой, кийим-кечак харид қилиш ва тиббий хизматлардан фойдаланишлари учун муайян даромадлар келадиган ишлар билан таъминланиши, қарияларга оила, жамоа (маҳалла) ғамхўрлик кўрсатиши зарур.

❒ Ёши ўтган одамлар ҳам иложи борича аввалгидек жамоа ҳаётида фаол қатнашсинлар, уларнинг тажрибасидан фойдаланиш зарур.

❒ Қарияларга ўзлари яшаётган жамиятнинг маънавий-маданий қадриятларига мувофиқ равишда оила, жамоа (маҳалла) томонидан ғамхўрлик кўрсатилиши зарур, чунки қариялар парвариш ва ҳимояга муҳтождирлар.

❒ Ёши ўтган одамлар (қариялар) ўз қобилиятларини, салоҳиятларини иложи борича ҳар томонлама рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлсинлар.

❒ Қариялар (барча инсонлар қатори) мазмунли ва муносиб, яхши ҳаёт кечиришга эгадирлар.

Танловда қатнашишни истовчилар шу эълон чиққан кундан бошлаб 1999 йилнинг 1 сентябрига қадар Ўзбекистон матбуот нашрларида босилган ўз асарларини (2 нусхада) қуйидаги манзилга юборишлари мумкин. Охирги қабул куни 1999 йил 5 сентябрь. Танлов ғолиблари шу йилнинг 1 октябрида — Халқаро қариялар кунида эълон қилинади.

Янада тўлароқ маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент — 700029, Шевченко кўчаси, 4, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ахборот маркази. Тел: 139-14-62, 139-48-35.

Чўпонлар хонадонига ғаз келди

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, айниқса, аҳолини ичимлик сув ва газ билан таъминлашга жойларда катта эътибор берилмоқда.

«Каттақўрғон» ижара хўжалиги Шўробод қишлоғининг 180 хонадонида «зангори олов» порлай бошлади. Узоқ яйлов чўпонлари хонадонларини газлаштиришга Жанубий кон бошқармаси ҳомийлик қилган бўлса, туман газлаштириш идорасининг пайвандчилари монтаж ишларини аъло даражада бажардилар.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«МАРНИТ»
Ўзбекистон — Словакия қўшма корхонаси
Словакияда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари — газмоллар, оёқ кийимлари, тиш порошоклари, кремлар, эркаклар, қўйлаклари, аёллар косметикасини таклиф этади.
Нархлар келишилган ҳолда амалга оширилади.
ТЕЛ: 54-39-25

Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси «Камолот-Мўтти» студияси 1999 йил 24-25-26 июнда атоқли санъаткор Ўзбекистон халқ артисти НАБИ РАҲИМОВнинг ёркин хотирасига бағишлаб «ҚИЗИКЧИ-99» кўрик-танловини ўтказади.
Танловнинг 1-босқичида вилоятлар ва шаҳарларда 20 июнгача 35 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этадилар.
Танловда иштирок этишни хоҳлаганлар «Камолот» жамғармасининг жойлардаги бўлимларига мурожаат қилишлари мумкин.
Сахналаштирувчи режиссёр: Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» мукофоти совриндори — Шерали Ҳожиев
Сўровлар учун тел: 41-08-61

«Бухорокооптранс» автокорхонасига тегишли бўлган транспорт воситаларига берилган 0058024, 0058138, 0058066, 0058082, 0058224 рақамли лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси бошқаруви ва жамоаси бош муҳандис Раҳматилла Ҳамидуллаевич Умаровга оналари Пўлатой УМАРОВанинг вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-06-83